



*Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси,
мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,
шоир десак – шоирларнинг султони дур.*

И.А. Каримов

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “РУҲ УЛ-ҚУДС” ҚАСИДАСИДА РАМЗЛАР ТАЛҚИНИ

Бекова Назора Жўраевна

БухДУ доценти, филология фанлари номзоди

Ўзбек адабиётининг бобокалони Мир Алишер Навоий форс тилида ҳам сўз қадрини баланд кўтарган мумтоз санъаткор эди. Ижодини икки тилда санъат даражасига кўтариш ва Абдурахмон Жомий сингари устозлар таҳсинига сазовор бўлиш Алишер Навоий номини янада маҳбуб ва улуғвор қилди. Унинг форсий қасидалари, ғазал, рубоий ва марсиялари нафақат бадиий сўз усталари, шоиру фозиллар, балки тожикзабон халқ орасида ҳам шуҳрат қозонган. Шу боис Навоий бу шеърларини йиғиб, “Девони Фоний” номи билан алоҳида китоб қилиб тузган эди. Биз мазкур девон таркибига кирган “Ситтаи зарурия” қасидалар туркумидан гул тимсоллари тасвирига бағишланган парчани таҳлилга тортишни лозим топдик (**Алишер Навоий. Руҳ ул – қудс. Сўзбоши, насрий баён, изоҳ ва луғат билан нашрга тайёрловчилар Р. Воҳидов, Н.Бекова. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 11-14).**

Улуғ шоир райҳон, сунбул, наргис, лола, ёсмин каби гул тимсоллари орқали ошиқ аҳлининг кўнглида порлаган илоҳий нур ва унинг турли шаклларда жилва қилишига ишора қилади.

Алишер Навоий ижодида гул бадиий тимсол сифатида кўп ўринларда учрайди. Шоир “Ситтаи зарурия” қасидалар туркумида лола, ёсмин, наргис, суман, сунбул каби кўплаб гул турларига мурожаат қилган. Гул Шарқ мумтоз шеърлятида маъшуқа жамоли, Оллоҳ ёди, Ҳақ тажаллийси тимсоли сифатида ишлатилади.

Бунафша бар гиреҳи турра баст марғула,

Суман ба жилва даровард орази зебо.

Мазмуни: бинафша ёқаси (гирибони) атрофида кўнғироқчалар боғлади (гуллади). Суман гўзал оразини жилвага солди.

Жилва - тасаввуфий истилоҳ сифатида ноз, истиғно, гўзалларнинг кўнглини фатҳ этувчи ҳол ёхуд чиройли ҳаракатлар моҳиятини ўзида ифода этади. Ёхуд сулук аҳлининг кўнглида порлаган илоҳий нурдир. Бу нур эса ошиқни телба қилади.

Суман-саман. Ёсмин сўзининг қисқаргани. Райҳон, сунбул, наргис каби гуллар ҳам ташхис санъати воситасида маҳорат билан тасвирланган:

Зи нисфи пўсти норанж баҳри наргиси шўх,

Пиёла кардию ў маст гашт бе саҳбо.

Мазмуни: шўх наргис учун яримта норанж (апельсин)нинг пўстидан пиёла қилдинки, у қадаҳсиз ҳам маст бўлди.

Наргис - бўтакўз, кўзнинг рамзи, яъни кўз “мушаббих”, наргис-мушаббихун биҳ. “Наргиси шўх” ибораси орқали эса шўх наргис кўзли гўзалларга нисбат берилади.

Фикримизни улуғ шоирнинг туркий тилдаги бир байти орқали асослаймиз:

Икки ўтлуғ наргисингким қилдилар бағрим кабоб,

Биридир айни хумор ичинда бири масти хоб.

(Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Т.: Фан, 1990. – 58 б).

Ҳазрат Навоий қаламига мансуб бу байтда Оллоҳ, олам ва одам гўзаллиги ифодаланган, яъни маъшуқанинг наргис кўзларидан ошиқнинг бағри-дили кабоб бўлган, чунки маъшуқанинг кўзларида Яратганнинг тажаллийси бор. Кўз - басират даражаси, қалб кўзининг ўткирлиги ва ҳам айни пайтда, у ошиқни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи кучдир. Илоҳий жамол турли кўринишларда жиловланиб, қалбга йўл излайди. Ғайбнинг манбаи, сиру синоат чашмаси кўз - жило, мавж, товланиш, сеҳру жоду, мафтункорлик тимсоли, шунинг учун ҳар икки байтда ҳам (яъни қасидада ва ғазалдан олинган байтда) "хумор", "маст" каби сўзлар ишлатилган.

Мазкур рамз тузилиш асоси жиҳатидан тўла-тўқис мушаббихнинг таркибий қисмларига тўғри келади ва бу ўхшашлик асосида кучли мантиқ бор. Қасидада райҳон бошқа гул тимсолларидан алоҳида ажратилади:

Чу чанд рўз бар ин рафт, доди ороиш,
Зи шоҳидони раёҳин ба гулшани дунё..

Мазмуни: бир неча кун шу тариқа (Сен) оройиш бердинг, райҳонлар шоҳидлигида дунё гулшанига.

Мазкур байтда райҳон инсонга хос "шоҳидлик" хусусиятини касб этган. Чунки тасаввуфий қарашларга кўра, райҳон тасфия ва риёзат натижасида қалбда порлаган нур тимсолидир. "Шоҳид" сўзини ҳам шоир бежиз ишлатмаган, яъни шоҳид – қалб билан тенглашган мавжудот. Байтдаги "гулшан" сўзи эса қалбнинг фатҳи ва очилиши, солиқ кўнглининг маърифат ва ирфонга тўлиши тимсоли бўлиб келган.

Руҳи чаманро аз хомаи қазо карди,
Зи лавн-лавн раёҳин чу гунагун дебо.

Мазмуни: тақдир қалами билан чаман руҳини (Сен) ранг-баранг бўёқлар билан зийнатланган райҳонзорга айлантирдинг.

Шоирнинг мақсади фақатгина ташхис (ҳайвонлар, қушлар, жонсиз нарсаларга инсонга хос хусусиятларни кўчириш) санъати воситасида мазкур гулларни жонли, жозибали тасвирлашдангина иборат бўлмай, балки бу санъат орқали ботиний-маърифий маъноларга ҳам ишора қилишдир.

Қасидада мазкур (ташхис) маънавий санъатни кенг қўллаш орқали Илоҳ ва инсон, Холиқ ва махлуқ, табиат ва шахс бирлигига алоҳида аҳамият берилган:

Намуд дил зи раёҳин сўи фавокеҳ майл,
Чу аз сароби сувар сўи лужжаи маъно...
Либоси барг чу ашжори боғро пўшид,
Шуд аз намоиши ҳар як чу гунбади мино...
Ва лек анжуми собит шуда фавоқеҳи ў,
Ба бурж шоҳи савобит мисоли побархо.

Мазмуни: кўнгил райҳонлардан мевали боғ томон майл кўрсатди, беҳисоб суратлардан зебо шакллар эса саробга айланибди. Барглар либоси боғ дарахтлари устини ёпди. Ҳар бирининг товланишидан феруза осмон шакли намоён бўлди. Ва лекин, юлдузлар собитлашганидек, ҳолат мевали боғда кўрина бошлади. Юлдузлар буржда кўним топганидек, шохлар ҳам оёғида тургандай бўлди.

"Баргларнинг боғ дарахтлари устини ёпиши", "шохларнинг оёғида туриши" инсонга хос ҳаракат бўлиб, ташхис санъати туфайли улар гулу дарахтларга кўчирилган.

Хуллас, мазкур байтларда олам ва одам сирлари ташхис санъати асосида ёнма-ён талқин этилган. Шеърий асар муаллифи илгари сурган ғоя эса аниқ ифодаланган, тасвирланган шеърий тимсоллар ёрқинлик, жонлилик, жозибаторлик касб этган.